

Абдуҳаким қори



09:06 / 06.05.2025 2149

(1924-2017)

Абдуҳаким қори 1924 йилда Наманган шаҳри Дегрезлик даҳаси (ҳозирги Баҳор кинотеатри орқасидаги маҳалла)да дунёга келди. Падари бузруквори Абдуғани, бобоси эса Абдуғаффор исмли киши бўлган. Буларнинг бири зироатчи-деҳқон, бири эса илмли, зиёли, савдогар бўлган. Изланишлар натижасига кўра, Абдуғани ота 1929 йили барча оила аъзосини олиб, Хитойнинг Қашқар вилоятига ҳижрат қилгани, 1932 йили қатағон қурбони бўлиб, бедарак йўқолгани маълум бўлди.

Оиладаги икки ўғил, уч қизнинг таълим-тарбияси ва тасарруфи муштипар она Марямхон (тах.ваф. 1985) ойим Шарифбой (Жийдакафалик) ота қизи зиммасида қолади. Қийинчиликда ўсиб-улғайган Абдуҳаким илк таълимни оилада олади. Кейинчалик, кулф ясайдиган темирчига шогирд тушиб,

хунар сирларини ўрганади. Тахминан 1946 йили Мавлудахон (1932-2008) ойим Маҳмудбой (кўнчи) қизи билан оила қуради. Ундан Абдуғани (1954), Абдусалом (1963) исмли ўғил ва беш қиз фарзанд кўради. 1955 йили Она юрти Наманганга қайтиб, шаҳарнинг 5-Соли Адашев 4-берк кўчасидаги бобосидан мерос қолган ҳовлига келиб қўним топади.

Халқимизда «От изини той босади» деган нақл бор. Дарҳақиқат, Абдуҳаким қори ҳам отасининг изидан бориб даставвал шойи газламалар савдоси билан шуғулланади. 1965 йилдан илм олишга қунт билан киришади. Пировардида, машҳур ҳофиз Каломуллоҳ Сайдуллоҳ ва Миродуллоҳ (мулла Бозор охунд мавзесида яшаб ўтган) қориларга шогирд тушиб, Қуръони Каримнинг такрорини такомилга етказди ва ҳофиз Қуръон бўлиб етишади. Устозларининг дуойи фотиҳаларини олиб «Шайх Эшон» масжидида Рамазон ойларида хатму Қуръонларга имомликка ўта бошлайди. Натижада, Абдуҳаким қори халқ орасида «қашқарлик қори» номи билан машҳур бўлиб кетади.

Ҳазрат қори домла ҳар йили Рамазон ойини алоҳида тараддуд билан кутиб олиб, эътиқодли халқимизнинг хизматида бўлган. Хусусан, Қози гузари маҳалласида яшовчи Мўминжон ҳожи ота хонадонларида ҳам кўп бора бўлиб, ками уч, кўпи беш кунлик хатму Қуръонларга ўтиб, йиғилганларни хушнуд қилган.

Илмда бардавом бўлган Абдуҳаким қори кейинчалик, ўша даврнинг машҳур уламолари мулла Абдуллоҳ охунд, Кароматхон эшон ва Фатҳиддин маҳдум кабилардан ҳам дарс олган. У нафақат туркий, арабий-форсий тилларнинг сарфу наҳвини қолаверса, бошқа диний илмларни ҳам ўзлаштирган.

Маълумотларга кўра, Абдуҳаким қори узоқ йиллар Вилоят халқ таълими бошқармаси, 20-болалар боғчаси ҳамда 40-ўрта мактабларда қоровул бўлиб ишлаб, нафақага чиққан. Истиқлол шарофати билан 1992 йили муқаддас икки ҳарамни зиёрат қилиб, Аллоҳнинг бешинчи аркони — ҳаж ибодатини адо этиб қайтди.

Ҳамсояларининг гувоҳлик беришича, «Раҳматли Абдуҳаким қори домла ўта ғайратли, тиниб-тинчимас, қўллари очик, саховатли киши бўлганлар. У зоти шариф боамал қори, закий ва обид эдилар. Мол-дунёлари етарли бўлса ҳам дунёга муҳаббатлари йўқ эди. Илм ортидан асло тирикчилик қилмасдилар. Китобларга муҳаббатлари ўзгача эди. Кексайган чоғларида «Шайх Эшон» масжиди олдидаги дўконда китобдор ва саҳҳофлик қилиб,

эскирган китобларни таъмирлаб, хайрли ишлар билан зиё улашардилар. У зотнинг мухлис ва шогирдлари жуда кўп эди. Ҳазрат қори домла илм тарқатишда ҳеч қачон тама қилмаганлар. Аллоҳ у зотни раҳматига олсин».

Абдуҳаким қори домланинг кунлик вазифалари Қуръони Каримдан ўн пора сурани такрорлаш, шунингдек, «Далоил ул-хайрот», «Авроди фатҳия», «Бад ул-аъмилий» китобларидан маълум жойларни истифода этишлик, зикр ва тасбеҳ бўлган.

Машҳур қафғол, саҳҳоф ва ҳофизи Каломуллоҳ Абдуҳаким қори 2017 йили 93 ёшларида абадиятга юз тутдилар. У зоти шарифнинг жанозалари «Шайх Эшон» масжидида, пешин намозидан сўнг, собиқ Наманган вилояти бош имом хатиби Абдулхай махдум домла бошчилигида ўқилди. Муборак жасадларини эса «Ҳазрати Мавлоно» қабристонига қўйилди.[\[1\]](#)Аллоҳ ўтганларимизни раҳмати илоҳийига фарқ айласин. Омин.

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов

[\[1\]](#)Мазкур маълумотлар ҳофизи Қуръон Абдуҳаким қори фарзандлари билан суҳбат чоғида ёзиб олинди.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/1750-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.